

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI
O'ZBEKISTON FALSAFA JAMIYATI**

Международный научно-исследовательский центр Имам Бухари
при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Философское общество Узбекистана

Imam Bukhari International Research Center under the Cabinet
of Ministers of the Republic of Uzbekistan
Philosophical Society of Uzbekistan

**FALSAFA VA HAYOT
XALQARO JURNAL**

**ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**

**PHILOSOPHY AND LIFE
INTERNATIONAL JOURNAL**

Jurnal bir yilda 4
marta nashr qilinadi.

Журнал выходит
4 раза в год.

The journal is published
4 times in a year.




ISSN: 2181-9505

DOI: 10.26739/2181-9505



**JULY | N° SI-2
AUGUST | 2021**

15. Шарипов Абдухакимжон Зиёйтдинович ЖАМИЯТ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАЊНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	144
16. Эргашева Махбуба Хотамбековна ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ.....	153
17. Югай Евгения Викторовна ЦИФРОВАЯ КУЛЬТУРА КАК ОБЪЕКТ СОЦИАЛЬНО- ФИЛОСОФСКОГО АНАЛИЗА.....	164
18. Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИДА ИЛМИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТАДҚИҚИ ВА МАЗМУН-МОХИЯТИ ТАҲЛИЛИ.....	171
19. Махмудова Азиза Нугмановна ЗАМОНАВИЙ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА ШАХС ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ НАЗОРАТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	180
20. Pulatov Jaxongir Nazirovich INSON TARAQQIYOTIGA OID G'ОYALARNING RIVOJLANISH DINAMIKASI.....	197
21. Йўлдошов Холмирзо Давронович НАЖМИДДИН КУБРО ТАЪЛИМОТИ ВА КУБРАВИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ.....	206



УДК: 323(575.1)316:1

FALSAFA VA NAYOT ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ PHILOSOPHY AND LIFE

Шарипов Абдухакимжон Зиёйтдинович
фалсафа фанлари номзоди, доцент
Бухоро давлат университети,
e-mail: abduhakim-83@mail.ru
(Ўзбекистон, Бухоро)

ЖАМИЯТ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МАЊНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2021-SI-2-15>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳозирги даврда мамлакатимизда энг муҳим хусусиятларидан бири бўлган чуқур ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар жараёнида миллий гояни ривожлантириш, ислоҳотларга ҳамоҳанглигини таъминлаш ва унинг мағкуравий ўзгаришларга таъсири, мањнавий қадриятларнинг янгиланиш зарурати ижтимоий-фалсафий таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистон миллий гоясини ривожлантиришда мағкуравий трансформациянинг амалга оширилиши юзасидан айрим ўзига хос жиҳатлар ўрганилиб, тегишли хуласалар чиқарилган. Юртимизда тинч-тотувликни асраш, миллий қадриятларимизга содиқлик руҳини қарор топтиришнинг мањнавий-мағкуравий асослари тадқик этилиб, бу борадаги келгуси вазифалар ҳақида мулоҳаза юритилган. Жаҳонда кечётган мағкуравий кураш майдонларида ўзбек ҳалқининг гоявий рақобатбардошлигини таъминлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган янги авлодини тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши асосланган.

Калит сўзлар: глобаллашув, ижтимоий ислоҳотлар концепцияси, мағкуравий жараёнлар, оммавий маданият, глобал муаммо, янги Ўзбекистон, гоявий трансформация, мањнавий қадриятлар тизими

Шарипов Абдухакимжон Зиёйтдинович
кандидат философских наук, доцент
(Узбекистан, Бухара)

ТРАНСФОРМАЦИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕИ И ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ПРОЦЕССЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы необходимость развития национальной идеи в процессе глубоких социально-экономических реформ, что является одной из важных черт современной нашей страны. значения. Исследованы некоторые специфические аспекты реализации идеологических изменений в развитии национальной идеи нового Узбекистана и сделаны соответствующие выводы. Изучены духовные и идеологические основы миротворчества в нашей стране, приверженность нашим национальным ценностям, рассмотрены дальнейшие

задачи в этом направлении. Идея о том, что в идеологической борьбе на мировой арене узбекский народ послужит воспитанию нового поколения, которое внесет достойный вклад в дело обеспечения идеологической конкурентоспособности обоснована на основе доводов.

Ключевые слова: глобализация, концепция социальных реформ, идеологические процессы, массовая культура, глобальная проблема, новый Узбекистан, идеологическая трансформация, система духовных ценностей.

Sharipov Abdughakimjon Ziyotdinovich,
PhD in Philosophy, Associate Professor
(Uzbekistan, Bukhara)

TRANSFORMATION OF NATIONAL IDEAS AND SPIRITUAL VALUES IN THE PROCESS OF MODERNIZATION OF SOCIETY

ABSTRACT

The following article analyzes the necessities of developing a national idea in the process of deep socio-economic reforms, the impacts of the values which are among the important features of our modern country. Some specific aspects of the implementation of ideological changes in the development of the national idea of the new Uzbekistan are studied and the corresponding conclusions are made. The spiritual and ideological foundations of peacemaking in our country, commitment to our national values are studied, and further tasks in this direction are considered. The idea that in the ideological struggle on the world stage, the Uzbek people will serve to educate a new generation that will make a worthy contribution to ensuring ideological competitiveness is substantiated based on the contributions of the members of the society.

Key words: globalization, the concept of social reforms, ideological processes, mass culture, global problem, new Uzbekistan, ideological changes, the system of spiritual values.

КИРИШ

Жаҳон ижтимоий-иктисодий тараққиётида жадал суръатлар билан кечётган глобаллашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган мафкуравий экспанция Шарқ мамлакатлари маданий ҳаётида муайян қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу йўлда хар бир халқ, мамлакат ва миллатлар ўзига хос мураккаб даврни бошдан кечиришга, баъзан эса ислоҳотлардан кутилган самарадорликнинг зид ҳолатларига дуч келмоқда. Гарбона урф-одат ва қадриятлар устувор бўлган, инсон ҳуқуқларини тенг таъминлаш ва уни адолатли ҳимоялаш зарурати устувор йўналиш бўлган мамлакатларда, хусусан, Япония, Корея, Малайзия ёки бошқа ривожланган Осиё давлатларда бу жараён маълум маънода текис кечётган бўлса, ислом ақидалари ва маърифати барқарор бўлган айрим Шарқ мамлакатларида бу жараён сиёсий талафотлар, иқтисодий инқирозлар ва оғир йўқотишлар ҳисобига амалга оширилмоқда. [1]. Мухими шуки, бу ўзгаришлар умумжаҳон глобаллашув жараёнининг ажралмас қисми сифатида муаммонинг самарали ечилишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Гарбона индивидуализм, шахс эркинлиги ва маълум гурух ёки табака манфаатлар устуворлиги тамойилидан кескин фарқ қилувчи Шарқ ҳалқларининг бош қадрияти - маънавий омиллар, инсон манфаатлари, орияти, виждони ҳисобланиб келган. Бу ҳақда қадимги Хитой донишманди Конфуций ижтимоий барқарорлик моддий бойликларнинг тенг тақсимланиши эмас, балки умумэътироф этилган ҳуқуқ ва манфаатларнинг тенг таъминланишида эканлигини қайд этади. [2, С.7]

Умуман олганда таъкидлаш жоизки, гарбона демократик тамойиллар муайян маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши, инсонийлик, эзгулик ва бунёдкорлик сингари тамойилларнинг бирмунча аҳамиятини йўқолишига олиб келса-да, юксак иқтисодий тараққиётга эришиш имкониятларини туғдирди. Аммо, иқтисодий фойда олиш, физиологик лаззатланиш эҳтиёжлари устуворлик қилган жамиятларда шахслараро муносабатлардаги самимият йўқлиги, маънавий қадриятларга амал қилмаслик кузатилиб, эзгулик, гуманизм ва одамийлик сингари тамойилларнинг хаётдаги аҳамияти суайишига олиб келганлигини ҳам

унутмаслик керак. Мана шундай ахлоқий инқироз халқлар ва миллатларда миллий ғояни шакллантириш ва уни ижтимоий ҳаёт қонунларига мослаб ривожлантириши ижтимоий-маънавий эҳтиёж, зарурат даражасига олиб чиқди.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Мана бугун мустақилликнинг 30 йиллиги арафасида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ҳар бир соҳасида ислоҳотлар қай даражада тўғри ва самарали, қай даражада халқ манфаатларини кўзлаб ўтказилгани ҳакида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу нафакат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳволга, тинчлик-осойишталик ва жамият маънавиятига ҳам тааллуклидир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ туб ислоҳотлар ўтказишнинг, мамлакатни ривожлантиришнинг янги концепцияси ҳакидаги муҳим ғояларни, асосий тамойилларни олға сурдилар. [3]. Бу ғоялар ўз мустақил тараққиёт йўлимизни жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш ўйлига мувофиқ белгилаб олишимиз лозимлигини, Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳамоҳанг бўлишини, мамлакатимиз иқтисодиётининг мавжуд даражаси ҳамда потенциал имкониятига, халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий мероси асосида бўлиши кераклигини ифодалайди. Давлатимиз бошлигининг назарий изланишлари, мулоҳаза ва хуносалари, амалий фаолияти тарихий вазият Ўзбекистон олдига қўйган талабга, чақириққа нисбатан муносаб жавоб бўлди. Мамлакатимиз тараққиёт йўлининг асосланиши, бу ҳақдаги фикрлар, ғоялар, тамойиллар тизими муаллифининг раҳбар ва прагматик шахс сифатидаги назарий ва амалий кашфиётiga айланди.

Таҳлил этилган соҳалар ва йўналишларнинг ҳар бири бўйича ислоҳотлар ўтказиш ва босқичма-босқич чукурлаштириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлмоқда. Юртбошимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномалари ва ҳукумат йигилишларида қилган дастурий маърузаларида, жамоатчилик билан учрашувларда янги Ўзбекистон тараққиётининг долзарб масалалари таҳлил этилмоқда. [4]. Бу концептуал фикрлар ва мулоҳазалар янги Ўзбекистонни учинчи Ренесеанс сари етакловчи назария сифатида англаб олиш, уни ҳар томонлама таҳлил этиб, мазмунини идрок этиш ниҳоятда муҳим масаладир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ижтимоий соҳа - барча йўналишларида туб ислоҳотларни ўтказишнинг замини, зарур шарт-шароити, жумладан, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосидир. Ижтимоий соҳада яхши замин тайёрланмаса, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар яхши натижада бермайди, ҳатто жамиятда барқарорлик бузилиб, ислоҳотларни ўтказиш имкониятлари пасайиб кетади. Бошқа томондан иқтисодиётда ҳамда давлат, жамият қурилишида ўзгаришлар, ислоҳотлар ўтказилмаса, ижтимоий соҳа ҳам ривожланмайди. “Биз буни ижтимоий адолат тўғрисида гапирганда, маънавият ва ахлоқни қайта тиклаш тўғрисида гапирганда эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва энг муҳими, маърифатсиз, илм-фансиз эркин демократик жамият, келажагимизни қура олмаймиз, деб гапирганда эсдан чиқармаслигимич керак» [5, С.181].

Ёш авлод тарбиясига устувор эътибор бериш ислоҳотлар назариясидан, стратегиясидан, иккинчидан эса мамлакатнинг, миллатнинг эртанги келажаги тўғрисида қайғуришидан келиб чиқади. Бозор муносабатларини, демократик меъёрларни одамларнинг дунёқарашини, тафаккурини ўзгартирмасдан ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Биз бугун ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, келажагимиз бунёдкори бўлган ёшлар, фарзандларимиз маънавий камолоти ва жисмоний соғлиги, миллатнинг соғлиги тўғрисида қайғурмокдамиз.

Ўзбекистонда маънавий ислоҳотлар трансформацияси, миллий ғояни ривожлантириш қўйидаги негизларга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадрияларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини намоён қилиши;
- ватанпарварлик. [6, С.186]

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлашнинг, миллий маданиятнинг ўзига хослигини, таълим ва илм-фандаги миллий анъаналарни тиклашнинг ва замон талабларида ривожлантиришнинг ислоҳотлар учун, мустақил тараққиёт ва келажак учун аҳамияти айнан шуларда намоён бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, одамларнинг онги, тафаккурини ўзгартириш, маънавият масалаларини ислоҳотлар, миллий юксалиш ва тараққиёт билан боғлаб уларни кенгайтириб чукурлаштириб бориш ҳозирги давр маънавий ислоҳотлар трансформациясини шакллантириб беради. Биз бугун «Мафкура масаласида нима қиляпмиз? Мафкурани ўзгартиришда, уни ривожлантиришда ким нима қилиши керак?» деган саволларга жавоб излашимиз даркор.

Шу билан бирга у халқимизда умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжамиятида янги Ўзбекистон маънавий қиёфасини шакллантириб, давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўрин эгаллашига доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак. Маънавият ва миллий ғоя масаласи ислоҳотлар назариясининг таркибий гуманитар қисмини, ислоҳотларнинг илмий-интеллектуал негизини ташкил қиласди.

Бутун жамиятни, унинг барча ижтимоий қатламларини, табақаларини, турли этник гуруҳларини бирлаштира оладиган ғоя ва мафкурани ривожлантиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Чунки бирлаштирувчи гоясиз, ижтимоий мўлжал кўрсатувчи, юксак мақсадларни тушунитириб берувчи мафкурасиз жамиятда парокандалик юз бериши мумкин.

Шу маънода, миллий ғоянинг бош мақсади ҳам одамларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришдан иборат. ““Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган концептуал даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чукур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз” [7].

Миллий маънавий қадриятлар инсонни ўзлигини, миллий ғуур, ифтихор ва ислоҳотларга даҳлдорлик руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб комил инсон бўлиб вояга етишига хизмат қиласа, “оммавий маданият” ёшлар ўртасида худбинлик, масъулиятсизлик, гедонистик туйғуларга берилиш натижасида, алкоголизм, гиёхвандлик ва бошқа ахлоқий бузуқликлар сабабчисига айланди. Бу каби иллатларни факат ва фақат буюк мутафаккирларнинг бебаҳо маънавий мероси, умуминсоний қадриятлар шарқона ахлоқ-одоб қоидалари билан бартараф этиш, инсониятни маънавий қашшоқлик инқирозидан асраш мумкин. Шу боисдан ҳам “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги” Қонуннинг 5-моддасида: “ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, заарли таъсиrlар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва карашларга эга қилиб тарбиялаш; ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-харакатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан химоя қилиш”, - зарурлиги белгилаб қўйилган. [8, С.4]

Таъкидлаш жоизки, миллий ғоя даставвал бирлаштириш моҳиятига эга бўлган мақсадларни тақозо этади. Ёшларда ҳақиқатга мойиллик юқори бўлади, соҳтакорлик, кўзбўямачилик, сўз билан амалиёти бошқа кимсалардан жирканади, нафраланувчи руҳияти кучли бўлади. Ёш авлод онгига миллий мафкуранинг ижтимоий адолат ҳақидаги ғояларини сингдиришда Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутудғу билиг”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Амир Темур “Тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” номли машхур асарлари тарихий-илмий манба бўлиб хизмат қиласди. [9]

Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг янгиланиши, жамиятнинг модернизациялашуви шароитида миллий ғоянинг куйидаги жиҳатларини алоҳида қайд этиш лозим:

- жамиятнинг ўзариши жараёнида миллий хусусиятларни тушуниш ва миллатни ривожлантириш йўлларини излаш омили сифатида;

- ўтиш давридаги жамиятнинг сиёсий бирлашувининг таъминловчи ғоя сифатида. [10, С.221]

Умуман олганда, миллий ғоя миллиатнинг моҳияти, унинг мақсад ва вазифаларини ўзида ифодалаб беради. Модернизациялашув ва янгиланишлар жараённида жамиятда бўлинишнинг олдини олиш учун давлат маънавий қадриятларни асраб-авайлаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида миллий ғояни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Мамлакатимизда миллий ғоя ва мафкуранинг бутун бир яхлит тизимини ишлаб чиқишига доир вазифалар Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қатор маъруза ва учрашувларида, қарор ва фармонларида белгилаб берилди. Демак, янги Ўзбекистоннинг учинчи Ренесеанс сари етакловчи миллий ғояси ва мафкураси учун дастлабки қадамлар ташланди. Миллий ғоя ва мафкура янгиланиб туриши, иқтисодий ислоҳотларга нафақат ҳамоҳанг, шу билан бирга уни самарадорлигини таъминловчи маънавий мотивга айланиши даркор. Йўқса, уни маҳдудлик, сийқаси чиққан лаганбардорликка мойил “қарсак”дан фарқи қолмайди. Жамият олдида турган вазифалар, шарт-шароит ўзгариши миллий ғоянинг асосий тамойилларини янгилашга ва ривожлантиришга асос бўлади.

Миллий ғоя ва мафкура ҳамжиҳатлик ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берувчи қарашлар ва қадриятларга асосланади. Миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланиши — миллиатнинг юксалиши, ўзлигини англаши, айни вақтда мустақиллик тафаккурининг қарор топиши ҳамдир.

Маънавий тикланиш, миллий ўзликни англаш, ўтмиш тарихимизни, тарихий хотирамизни, аждодларимиз, диний ва дунёвий алломаларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган хиссасини англаб олиш, ислом дини ва маданияти қадриятларини тиклаш юзасидан ўта муҳим ва улкан одимлар кўйилди.

Маънавият ва миллий ғояни ривожлантириш концепциясини яратишда асосий вазифа одамларни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўзига ишончини ортириш, инсонга, тараққиётга юксак идеалларга мўлжал олишга ёрдам берадиган маънавий-интеллектуал асосларни яратишdir.

Маънавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Тарбия, ахлоқ, ислом дини, маданий-маънавий меросни, жумладан, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш, миллий бойлигимиз ҳисобланган санъат асарларини излаб топиш тарих ва маданиятни, қадимий урф- одатларимизни боғчадан то олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимида ўрганиш зарурати мавжуд.

ХУЛОСА

Умуман олганда жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги янги тараққиёт босқичида миллий ғоя концептуал аҳамиятга эга бўлиб, у бўлмаса:

- жамият ўз йўлини йўқотади;
- бегона мафкура ҳукмронлик қиласи;
- инсон, авваламбор ўшлар қалби бузғунчи ғоялар билан эгалланади;
- фикр қарамлиги, тафаккур куллиги вужудга келади ва у ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамлиқдан кўра даҳшатлироқ. [11, С.204].

Миллий ғоя ва мафкура масаласи кун тартибига кўйилиб, жамиятда турли баҳс ва мунозаралар қизғин давом этаётган бир пайтда шуни таъкидлаш зарурки, кишилар дунёқарашини бошқариш эмас, одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш миллий ҳоя трансформациясида муҳимдир.

Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад – халқ розилигига эришиш, ислоҳотларнинг инсон манбаатларига хизмат қилиши даркорлигини ифодалаш, аҳолни ижтимоий ҳимоялаш, таълим ва саломатликни таъминлашда, аҳил қўшничилик ва манбаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш каби кўп-кўп муҳим масалалардан иборат. [12]

Жамиятда янгиланиш, маълум бир ривожланиш йўлидан янгича ривожланиш ва тараққиёт йўлига ўтиш даври миллий ўзига хосликга путур етказади ва маънавий-руҳий инқизозини келтириб чиқаради. Маънавий қадриятлар, дунёқараш тизимининг бузилиши, ўзини ўзи қадрлаш туйғусини йўқолиши худбинлик ва индивидуализмнинг кучайиши шунинг оқибатидир. Жамият ҳаётида шахсий манбаатларни ҳаддан зиёд устунликка эришиши, шахсий манбаатларга эришиш йўлидан ҳеч нарсадан қайтмаслик ва инсонийликка тўғри келмаган илллатларни авж олишига сабаб бўлади.

Маънавият - бу инсон онгининг ўзига хос хусусиятидир, у жамият ва табиат билан ўзаро муносабатларда юқори, ички ахлоқий тамойилларни амалий ифодаси сифатида шахс фаолиятида яққол намоён бўлади. Маънавият - бу шахснинг индивидуал воқеликини ва ижтимоий воқеликни боғлайдиган ва шу тариқа хулқ -автор, фикрлаш, мотивлар ва ҳоказоларнинг идеал тасвирлари маконини ташкил этувчи ижтимоий онг маҳсулидир. Яъни, инсоннинг ўзини ақл-идрокка эга бўлган мавжудот сифатида ўз борлигини чукур англаш ва уни янги даражасига олиб чиқиши айнан маънавий қадриятлар асосида амалга оширилади. Шундай қилиб, маънавият - бу ички руҳий юксалиш ва борлиқнинг юқори тамойилларига доимий интилиш ва эгоизм инерциясини йўқ қилишдир.

Инсон маънавиятининг моҳияти чексиз ва абадий борлиқда, унинг чекланганлиги ва абадийлигига қарамай, шахсий эркинлик ва масъулият ҳолатига ўтишдан иборатdir. Биз маънавиятнинг моҳиятини тушунишдаги бу ёндашувни қўллаб-куватлашимиз мумкин, чунки ахлоқий тамойилларга риоя қилиш нафақат диндорларнинг, балки ҳар қандай одамнинг бурчидир, унга яхшилик ва ёмонликни англаш қобилиятини англатади.

Шахснинг маънавий компоненти унинг борлиғи боғлиқ бўлган ички инсоний фазилатларни ривожлантириш даражасида оқилона мавжудот сифатида ўзини янада юксалтиришнинг асоси сифатида намоён бўлади. шу боисдан ҳам Ж.Я.Яхшилиов ва Н.Э.Муҳаммадиевлар таъкидлашларича: «Якка тартибда гоявий-мағкуравий таълим-тарбия ишларини олиб бориш деб жамоат ташкилотлари, давлат ва нодавлат муассасаларидаги раҳбар, бошлиқ ва мансабдор шахсларнинг ўзига бўйсунувчи ҳар бир ёшни ҳар томонлама ўрганиш, шахсий имкониятларини инобатга олиш асосида унинг онгидага озод ва обод Ватанга меҳр-муҳаббат, конунга хурмат туйғусини шакллантириш, инсон ҳақ-хукуқларини химоя қилиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларини тезда тузатиб, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳар қандай қийинчиликларга бардош бериб, тўсиқлардан қўрқмасдан ўз хизмат вазифасини ҳалол, бекаму кўст бажаришларини таъминлаш учун мунтазам равишда олиб борадиган фаолиятига айтилади». [13, С.597-598].

Маънавият – инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг, давлатнинг буюк бойлиги, куч-кудрат манбаи, маънавиятсиз одамийлик фазилатлари карор топмайди. Инсон ва маънавият диалектик муштарак ҳодисалардир. Инсон бошқа мавжудотлардан маънавияти – яъни, ақл-заковати, имон-эътиқоди, тили, ахлоқи, диди, нозик ва юксак туйғулари билан фарқ қиласди. Маънавиятсиз инсоннинг ўзи шаклланмайди.

Инсон юксалиши учун унинг маънавияти юксалиши керак, инсон комил бўлиши учун у том маънодаги маънавий баркамол шахсга айланиши лозим. Ўз навбатида комил инсон маънавиятни янада ривожлантиради, уни юксак чўққиларга кўтаради. Аксарият хориж олимлари, жамиятшунослар, социологлар, сиёсий партиялари ва давлат арбоблари масаланинг кўпроқ ҳукуқий-сиёсий жихатига эътибор қаратади. Маънавий-ахлоқий жихатлар етарлича ҳисобга олинмагани учун аксарият ривожланган Ғарб мамлакатларида ҳалқнинг катта қисмида ислоҳотларга бефарқлик шаклланган, амалда улар ижтимоий ҳаётдан бегоналашиб қолган.

Ҳозирги даврда маънавий қадриятлар трансформацияси муаммосини ўрганиш ҳозирги замоннинг энг қийин ва долзарб муаммоларидан биридир, чунки маънавий изланишлар ва ўзини англаш усуслари нафақат юксалибгина қолмайди балки ҳаётнинг иқтисодий ва сиёсий соҳалари, лекин бундан ҳам муҳими, миллий-маданий, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият қасб этади. Озод ва обод мамлакат яратиш - жамиятнинг маънавий-ахлоқий соҳасининг муҳим омил ҳисобланади. Барча асосий ахлоқий мазмундаги фалсафий парадигмалар бу ҳаётда ҳакиқат, солиҳлик, тинчлик, севги ва ғайризўравонлик қадриятларини тарғиб қиласди. Бу қадриятлар универсалдир, улар шахсий ҳаёт, мартаба, унинг ҳаётийлиги, нормал ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Хуллас, биринчидан, маънавий қадриятлар трансформацияси ва миллий ғояни ривожлантиришда самарадорликни ошириш мақсадида қуидаги мезонларнинг ҳисобга олиниши муҳим:

- ўшларнинг сиёсий билимдонлиги ва жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ошириш;

- жамият маънавий соғломлаштиришда бевосита ёшларнинг фаоллигини ошириш;
- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик холатларини олдини олишда ёшларнинг ташаббускорлигини ошириш;
- ёшларнинг масъулияти, эътиқодли, иймонли бўлишларида таълим-тарбия тизимида узлуксиз ислоҳотлар олиб бориш. [14]

Иккинчидан, маънавий қадриятлар ҳаётимизнинг мазмунини белгилаб беради. Улар фақатгина маълум бир эътиқод тизими ёки диний гоялар билан боғлиқ ҳодиса эмас. Маънавий қадриятлар бизнинг ўзимиз билан, бошқа одамлар билан бўлган муносабатларимиз ва шахсий қадриятларимиз тизимининг ривожланишидан келиб чиқади. Маънавий қадриятлар бу ҳаётнинг маъносини қидиришга бўлган интилишларимизда яққол акс этади.

Бу борада қўйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- инсонни ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг барча ҳуқукларини, жумладан, меҳнат қилиш, ўқиши, соғлигини ҳимоя қилиш, муносиб турмуш кечириш ҳуқуқларини юзага чиқариш ва соглом эҳтиёжларини тобора тўлароқ кондириш, ҳаёт сифатини кўтариш;
- маънавий ислоҳотлар трансформациясида маданий мерос, тарихий хотира, миллий анъаналарни тиклаш ва ривожланшириш, ислом динига тўғри муносабатни шакллантириш;
- маънавий таҳдидларга, мафкуравий хуружларга қарши курашиш, аҳолида мафкуравий иммунитетни кучайтириш;
- миллий ғоя ва мафкурани ривожлантириш коицепциясини такомиллаштириш;
- маънавий ислоҳотларни барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, давлат ва жамият қурилиши, кадрлар сиёсати, ижгиюй сиёсат, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш, янги инсонни тарбиялашнинг интеллектуал-руҳий негизига айлантириш. [15].

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ШАРИПОВ А.З. Жаҳон цивилизацияси ва Ўзбекистон истиқболининг фалсафий масалалари. // <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaqil-ish-kurs-ishi/item/10756-2021-05-20-09-33-33>.

ҚИРҒИЗБОЕВ М. Фуқаролик жамият: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. -Т.: Ўзбекистон, 2010. – бет 256

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон, Кучга кириш санаси 08.02.2017. Манба: «Халқ сўзи», 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎР ҚТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ. // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

КАРИМОВ И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар. 4-жидд. - Т.: Ўзбекистон, 1996. -бет 344.

ЭРКАЕВ А. Ўзбекистон йўли. Т.: Маънавият, 2011. – бет 282.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ. // <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИ. – Т.:Адолат, 2016. – бет 4.

ОТАМУРОДОВ С. Глобаллашув: миллатн и асрар масъулияти (сиёсий-фалсафий кирралари). – Т.: Ўзбекистон, 2018. – бет 352

ШАРИПОВ А.З. Ижтимоий ҳамкорлик – барқарорлик омили. -Т.: Академия, 2011. – бет 86

НАЗАРОВ Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-2 жиллар. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2017.

МИРЗИЁЕВ Ш.М. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир // <https://president.uz/uz/lists/view/4089>

ЯХШИЛИКОВ Ж.Я., МУҲАММАДИЕВ Н.Э. Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Дарслик. – Т.: Чўлпон, 2018. – бет 684

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ 2025 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИКЛАШ ТҮҒРИСИДА. // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори 18.01.2021 йилдаги 23-сон, Кучга кириш санаси 19.01.2021. Манба: ҚММБ, 2021 й., 09/21/23/0056-сон

МАЊНАВИЙ-МАЊРИФИЙ ИШЛАР ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 26.03.2021 йилдаги ПҚ-5040-сон, Кучга кириш санаси 26.03.2021. Манба: ҚММБ, 26.03.2021 й., 07/21/5040/0243-сон

БИБЛИОГРАФИЯ

ШАРИПОВ А.З. Философские проблемы мировой цивилизации и будущего Узбекистана. // <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaql-ish-kurs-ishi/item/10756-2021-05-20-09-33-33>

КИРГИЗБОЕВ М. Гражданское общество: генезис, становление и развитие. -Т.: Узбекистан, 2010. - 256 с.

О СТРАТЕГИИ ДЕЙСТВИЙ ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН // Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 07.02.2017, дата вступления в силу 08.02.2017. Источник: Народное слово, 2017, № 28 (6722); OR QT, 2017, №6, ст.

ОБРАЩЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ШАВКАТА МИРЗИЕВА Олий Мажлису. // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

КАРИМОВ И.А. По пути созидания. 4-том. -Т.: Узбекистан, 1996. -бет 344

ЭРКАЕВ А. Путь Узбекистана. Т.: Манавият, 2011. - 282 с.

ВЫСТУПЛЕНИЕ ПРЕЗИДЕНТА ШАВКАТА МИРЗИЕВА НА ЦЕРЕМОНИИ, ПОСВЯЩЕННОЙ ДВАДЦАТЬ ДЕВЯТОЙ ЛЕТ НЕЗАВИСИМОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН. // <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О МОЛОДЕЖНОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКЕ. - Т.: Адолат, 2016. - стр. 4. (Закон Республики Узбекистан о государственной молодежной политике. - Т.: Адолат, 2016. - стр. 4.)

ОТАМУРОДОВ С. Глобализация: ответственность за сохранение нации (политический и философский аспекты). - Т.: Узбекистан, 2018. - 352 с.

ШАРИПОВ А.З. Социальное партнерство - фактор стабильности. -Т.: Академия, 2011. - 86 с.

НАЗАРОВ К. Энциклопедия мировой философии. 1-2 тома. - Т.: Национальное общество философов Узбекистана, 2017.

МИРЗИЕВ Ш.М. Если тело общества - это экономика, то его душа - духовность // <https://president.uz/ru/lists/view/4089>

ЯХШИЛИКОВ Ю.Я., МУХАММАДЬЕВ Н.Е. Национальная идея: Стратегия развития Узбекистана. Учебник. - Т.: Чолпон, 2018. - стр.684

ОБ УТВЕРЖДЕНИИ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВЕННОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ ДО 2025 ГОДА. // Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 23 от 18.01.2021, дата вступления в силу 19.01.2021. Источник: QMMB, 2021, 21.09.2006

О МЕРАХ ПО ОПРЕДЕЛЕННОМУ УЛУЧШЕНИЮ СИСТЕМЫ ДУХОВНЫХ И ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ВОПРОСОВ. // Постановление Президента Республики Узбекистан № РQ-5040 от 26 марта 2021 года, дата вступления в силу 26 марта 2021 года. Источник: QMMB, 26.03.2021, 21.07.5040/0243

REFERENCES

SHARIPOV A.Z. Philosophical problems of world civilization and the future of Uzbekistan. // <https://elib.buxdu.uz/index.php/pages/referatlar-mustaql-ish-kurs-ishi/item/10756-2021-05-20-09-33-33>

KIRGIZBOEV M. Civil society: genesis, formation and development. -T.: Uzbekistan, 2010 .-- 256 p.

ON THE STRATEGY OF ACTION FOR THE FURTHER DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN // Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 dated 02/07/2017, effective date 02/08/2017. Source: Narodnoye Slovo, 2017, No. 28 (6722); OR QT, 2017, no. 6, art.

ADDRESS OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN SHAVKAT MIRZIEV to the Oliy Majlis. // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

I. A. Karimov On the path of creation. 4th volume. - T.: Uzbekistan, 1996.-beta 344

Erkaev A. The Way of Uzbekistan. T .: Manaviyat, 2011 .-- 282 p.

SPEECH BY PRESIDENT SHAVKAT MIRZIEV AT THE CEREMONY DEDICATED TO THE TWENTY-NINTH YEARS OF INDEPENDENCE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. // <https://president.uz/uz/lists/view/3824>

LAW OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ON STATE YOUTH POLICY. - T.: Adolat, 2016. - p. 4. (Law of the Republic of Uzbekistan on state youth policy. - T.: Adolat, 2016. - p. 4.)

OTAMURODOV S. Globalization: responsibility for the preservation of the nation (political and philosophical aspects). - T .: Uzbekistan, 2018 .-- 352 p.

SHARIPOV A.Z. Social partnership is a factor of stability. -T.: Academy, 2011 .-- 86 p.

NAZAROV Q. Encyclopedia of world philosophy. 1-2 volumes. - T.: National Society of Philosophers of Uzbekistan, 2017.

MIRZIEV SH.M. If the body of society is the economy, then its soul is spirituality // <https://president.uz/ru/lists/view/4089>

YAHSHILIKOV Y.Y., MUKHAMMADYEV N.E. National idea: Development Strategy of Uzbekistan. Textbook. - T.: Cholpon, 2018 .-- p. 684

ON APPROVAL OF THE CONCEPT OF DEVELOPMENT OF STATE YOUTH POLICY IN UZBEKISTAN TILL 2025. // Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 23 dated 01/18/2021, effective date 01/19/2021. Source: QMMB, 2021, 21.09.2006

ABOUT MEASURES FOR A CERTAIN IMPROVEMENT OF THE SYSTEM OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL QUESTIONS. // Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PQ-5040 dated March 26, 2021, effective date March 26, 2021. Source: QMMB, 26.03.2021, 21.07.5040/0243